Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 9 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 85 (6782)

Даъват

Кимки шогирдликка чин дилидан шод
Бир куни ўзи ҳам бўлгуси устод.

Н. ХИСРАВ

Ибрат

Ургут туманида миллий ҳунармандчилик лицейи ташкил этилган бўлиб, барча сарф-харажатларни туман ҳокимилиги ўз зиммасига олган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

6 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Рапигалиев пенсияга чиқиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан «Узқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Тўлқин Жабборов Наманган вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноатни қишлоққа олиб бориш, янги иш ўринлари очиш ҳамда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш соҳаларида муайян ишлар қилинганини қайд этди. Лекин кейинги 2-3 йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, хусусан, қишлоқ хўжалигида, саноат ишлаб чиқаришда оқсоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди. Давлатимиз раҳбари таъкидладики, айниқса, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, пул эмиссиясини камайтириш, маориф, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, савдо, маданий-маиший хизмат шохобчалари фаолиятини яхшилаш борасида кўп иш қилиниши лозим. Бунинг учун эса мавжуд вазиятни холисона баҳолаб, тараққиётимиз йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни аниқлаб уларга зудлик билан барҳам бериш керак. Вилоятда аниқ ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши зарур. Уни амалга ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун курашиш ҳар бир раҳбар ва вилоят фаолларининг муқаддас бурчи бўлиши даркор.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

(ЎзА).

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда.

Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадлари учун жаҳон илғор андозаларига ва тажрибаларига, шу билан бирга қадимий миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ва уйғунлашган ҳолда дадил қадам қўймоқдамиз.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

Мана сизга оддий бир маиший мисол: Наманган вилоятида бутун собиқ шўролар замонида бор-йўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Истиқлол даврининг беш йилида эса 90 минг хонадон газлаштирилди.

Бу содда рақамлар мустабидлик шароити билан мустақиллик шароити ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатади. Бир ўйлаб қарайлик, беш йил муқаддам Нанай, Чодак қишлоқларига табиий газ боришини ким ҳам тасаввур қиларди?!

Бугунги кунда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 74 фоизни ташкил этади. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншооти яқин орада тўлиқ ишга туширилгач, насиб этса, вилоятдаги тўрт туман ва Наманган шаҳри тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, маънавият ва маданият ривожида ҳам Наманган аҳлининг қилган меҳнатлари ўзининг муносиб ҳосилини ва самарасини бермоқда. Буни мажлисда иштирок этаётган кўпчилик кузатиб бормоқда ва англамоқда. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта.

Лекин қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб, холисона баҳо берсак, бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилиши ҳақида гапирсак, афсуски, кўп жойларда оқсоқлик, оддий фуқароларни норозиликка олиб келадиган ҳолларни, вазиятни кўриш мумкин.

Диққатингизни бир муҳим ижтимоий масалага жалб этмоқчиман. Вилоят аҳолиси кейинги беш йил ичида 263 минг нафар кўпайди ва 1 миллион 820 мингдан ошди. Умумий аҳолининг 62 фоизи қишлоқда жойлашган.

Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало, шу заминда яшаётган ота-онанинг, қоларверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди. Улғайган фарзандларимизга иш топиб бериш, янги замон талаблари даражасида касб-ҳунарга ўргатиш учун ҳар бир қишлоқда, аҳоли зич яшайдиган ҳар бир жойда бугунги бозор иқтисоди талаб этадиган равишда ишлаб чиқариш ва турли хизматларни ташкил этмасдан яна қандай чорамиз, қандай иложимиз бор?

Хўш, шу муаммони ечиш йўлида Наманган вилоятида қандай ишлар қилиняпти? Келинглар, шу нуқтаи назардан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиб кўрайлик.

Маълумки, **иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини муҳайё этишдир.**

Шуни айтиш керакки, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аммо қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий корхоналар барпо этиш талаб даражасида эмас.

Мавжуд 6 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарнинг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилган бўлсада, уларнинг самарадорлиги паст. Уларнинг ҳар бирида ўртача тўрт киши иш билан таъминланган. Корхоналарнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотиқ билан, олибсотарлик билан шуғулланмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пулли хизмат турлари яхши ташкил этилмаган.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш бўйича Наманган яқин йилларга қадар намунали вилоятлардан ҳисобланарди. Лекин ички имкониятлардан ва савдо майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда савдони ташкил этиш ва бошқаришдаги салбий ҳолатлар натижасида тармоқ оғир аҳволга тушди.

Чакана савдо оборотидаги нақд пул тушуми вилоят бўйича бор-йўғи 12,7 фоизни ташкил этгани ҳолда Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида ҳатто вилоят кўрсаткичидан ҳам анча паст даражададир.

Яқинда Норинкапа қишлоғида бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор.

Айтинг-чи, ишсиз юрган одамларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат қилиш шароитларини яратиш учун ким бош қотириши керак? Қишлоқнинг савдо шохобчалари ниҳоятда ночор аҳволда. Кўринишидан ташландиқ жойни эслатадиган дўконлар таъмирланмаган, пештахталар эса бўм-бўш. Кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида халқ жиддий эътироз билдирмоқда. Бундай аҳвол на туман ҳокимини, на савдо ташкилотлари раҳбарларини ташвишлантиради. Тўғриғоғи, улар савдо, таъминот масалалари билан мутлақо шуғулланмаган.

Ҳаққулобод ва Чортоқ шаҳарлари ҳамда Норин, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларида жон бошига чакана савдо оборoти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳаж-

(Давоми 2-бетда)

БЕҒУБОР ОҲАНГЛАР

Ўйнаб-ўйнаб ўрганамиз

Маорифимиз орифлари айтадики, бола хоҳ боғчада бўлсин, хоҳ мактабда — балиқ сувда сузгани каби эркин бўлмоғи керак. Бунда гегемонлик табиий равишда боланинг қўлига ўтади, муаллиф ёхуд тарбиячи эса асосан кузатувчи вазифасини ўтайди. Алалхусус, боғчада боланинг ўйнига ҳеч ким монелик қилмаслиги, бола ўйнаб-ўйнаб урганмоғи даркор.

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 217-боғчада бугунги кун таълим-тарбия мезонини тўғри англаб етган қўплаб тарбиячилар меҳнат қилишар экан. Улар, аввало, болалардаги мурғак иқтидорнинг ривожланишига эътибор қаратмоқдалар. Дарвоқе, сиз суратда кўриб турган қизалоқ — Нозима Долимова ҳам шу боғча тарбияланувчисидир. Миллий мусиқа асбобимиз — чанг чалиш унинг жони дили. Нозима боғча мусиқа ўқитувчиси Венера Рузиметованинг шогирди ҳисобланади.

Бу жажжи қизалоқ бармоқларининг нафис ҳаракатидан таралган бегубор оҳанглар боғча аҳлини ўзига ром этмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Тест марказининг имкониятлари
3-бет

«Олтин мерос» танловига
4-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. А. АЗИЗХУЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 7 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. С. САИДҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Саидмухтор Саидгозиевич Саидқосимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 7 ноябрь.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ЭҲТИЁТ ШАРТ

Ер ости дуккакли ўсимликлар аллергиянинг сабабчиси эканлиги ҳаммага ҳам маълум эмас. Бу эса кейинги пайтларда Буюк Британияда эпидемияга айлана бошлади: тупроқдаги чақалоқларнинг аллергияга мойиллиги олимлар фикрича, оналарнинг ёрғоқ, арахис ва шу каби дуккакли ларни ёқтириб истеъмол қилаётганликларига боғлиқ.

САЛОМАТЛИК XXI АСРДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Жаҳон банки билан 5 йил муддат ичида тайёрланган 10 томлик баёнотда 21 аср медицина муаммолари ёритилган. Яқинлашаётган янги асрда инсонга юқумли касалликлар эмас, балки юрак-қон томир касалликлари ҳамда автоҳалокатлар кўпроқ ташвиш туғдирар экан.

ЎНГИМИ Ё ЧАПИМИ

Россиялик олимларнинг олиб борган изланишлари натижасида олинган хулосалар қизиқ: агар одамнинг чап қўлоғи узунроқ бўлса (2—3 мм бўлса-да), уни аниқ фанларда муваффақиятлар кутмоқда, ўнги каттароқ бўлса, бу киши ижтимоий илмнинг туғма истеъдоди.

Муносабат

МАКТАБГА ЭЪТИБОР МАЪНАВИЯТГА МУНОСАБАТДИР

Эътиқодсиз инсоннинг таназзулга юз тутишини 70 йил ҳукм сурган шўролар тузуми мисолида кўрдик, англадик. Шунинг учун ҳурриятга эришгач, қадриятларни қайта тиклаш, миллий тарбияга эътибор кучайди. Президентимизнинг бу борадаги фармонлари, ҳукумат қарорлари ва улар асосида бажарилган қатор ишларни саналш мумкин.

Яқиндагина Наманган вилоят кенгаши сессиясида юртбошимиз ўз нутқларида ҳам бу ҳақда, хусусан, ислом дини, масжидлар, мактабларнинг аҳамияти хусусида алоҳида тўхталди. Бу борада олиб борилаётган ижобий ишлар тўғрисида гапириб, айрим камчиликларни ҳам таъкидлади: «Бироқ, назаримизда, вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича «компаниябозлик» авж олиб кетганга ўхшайди. Кўп асрлик ислом тарихида юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг иймони ва эътиқоди бутлиги, мустаҳкамлиги билан ўлчанган.

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қилаётган «Иттифоқ» маҳалласида — 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган «Зарафшон» маҳалласида — 7 та масжид бўлгани ҳолда ана шу маҳаллалар ҳудудида биттадан мактаб бор, холос.

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший бинолар қуришга сарфланса бўлмасмиди?».

Президентимизнинг бу фикрларида ҳақиқат бор. Бунда қисман меъёр бузилганлиги кўриниб турибди. Донолар тарбия борасида айтадиларки, ортиқча меҳр болани бузади. Ҳамма нарсанинг — мақтовнинг ҳам, танқиднинг ҳам, кулгую йиғининг ҳам, ҳаракату уйқунинг ҳам — ҳамма-ҳаммасининг меъёрдан ошганлиги инсоннинг руҳиятига салбий таъсир қилади.

Тарихдан бир мисол. Асримиз бошида машҳур маърифатпарвар, миллат фидойиси, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий ислом оламининг, жумладан, Туркистоннинг бошқа халқлар тасарруфига тушиб қолганлигининг асосий сабаби илмсизлик, илм-фанга эътиборнинг йўқлигидандир, деган эди. Илм-фанга қандай пайтда эътибор сусаяди? «Мулла билганини ўқиганида», жумладан, талқинлар турлича бўлиб кетганида.

Бундай нотўғри талқин илгари халқ орасида низонинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бу ислом динини эмас, жаҳолатни инкор қилишдир. Эътиқод керак, эътиқодсиз инсоннинг таназзули муқаррар. Лекин, яна шу бобомиз — муфти Беҳбудийнинг айтишича, «дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур».

Бугун мактабга эътиборни кучайтириш даври. Беҳбудий айтмоқчи «замона илми ва фани» ана шу мактаблардан бошланади. Сармояси кўпайган бадавлат кишиларимиз ўз маблағлари билан мактаб, қўшимча синф хоналар, стадионлар қурилишига, мактабларни компьютер билан таъминлашга ёрдам берсалар ҳам савоб бўлади. Энг олий савоблардан бири эса мактаблар кутубхоналаридан хабар олиш. Асл тарихимиз, маънавиятимиз акс этган, боболар ёзиб қолдирган, шунингдек, дунё тараққиёти акс эттирилган, бугун чоп этилаётган китобларни кутубхонага, яъни ўқитувчи ва ўқувчига ҳадя этиш, бу кутубхоналарнинг газета ва журналларга обуна бўлишларига маблағ ажратиш, юртбошимиз айтмоқчи, МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ҳам савобли эмасми?

Наманган вилоят кенгашида Президентимизнинг бу борадаги фикрлари барча бадавлат кишиларимизга сабоқ, таъбир жоиз бўлса даъват вазифасини ўтамоғи лозим.

Ҳ. ОМОНХОН.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

«ЮЛДУЗ»НИНГ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 20 та мактабгача тарбия муассасалари ўртасида ўтказилган «Соғломжон — полвонжон» кўрик-танлови «Соғлом авлод учун» дастури замиридаги навбатдаги тадбирлардан бири бўлди. Танловда 240 нафар кичкинтой учта гуруҳга бўлинган ҳолда югуриш, сакраш коптоқ улоқтириш каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Бир олам қувончлару, ҳаяжонлар остида ўтган кўрик-танловда Яйпан шаҳридаги «Юлдуз» боғчасининг чаққон кичкинтойлари ғолиб бўлиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

LITSEY MEHRIBONLIK UYI

Samarqand shahridagi 10-bolalar uyi bundan buyon litsey mehribonlik uyi deb ataladigan bo'ldi. Boisi endi bolalar ushbu maskanda hunar ham o'rganadilar. Bu boradagi xayrli ishlarda shahar «Kamolot» jamg'armasi,Samarqand davlat qurilish memorchilik instituti yaqindan yordam berayapti.

Yaqinda «Ekosan» jamg'armasi tashabbusi bilan SamDUning biologiya fakulteti tomonidan litsey mehribonlik uyi issiqxonasida etishtirish uchun banan nihollari etkazib berildi.

ИЖОДКОР МУАЛЛИМЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Бухоро шаҳридаги 3-ўрта мактаб атоқли шоир Ғафур Ғулом номи билан аталди. Яқинда бу илм даргоҳига «Ижодкор ўқитувчи» вилоят кўрик-танловига келган бир гуруҳ муаллимлар йиғилишди. Ўқитувчиларнинг танловига тавсия этилган ижод намуналари ҳакамлар ҳайъати томонидан холис баҳоланди.

Танлов якунига кўра 1-ўрин жондорлик ўқитувчи, шоир Ҳазрат Зулфикоровга берилди. Ражаб Муродов, Амрилло Авезов, Ғуландом Маматова, Зилола Турсуноваларнинг машқлари ҳам юқори баҳоланди. Ғолиблар вилоят халқ таълими бошқармасининг совғалари билан тақдирландилар. Тилагимиз битта: ижодкор муаллифларимиз кўпаяверсин.

Муаллифлар: Д. СОАТОВА, А. TASHANOV, Д. ЖАББОР.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊕ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан Наманган вилоят ҳокими Бургутали Рапиғалиев пенсияга чиқиши муносабати билан вазифасидан озод этилди, Наманган вилоят ҳокими этиб Тўлқин Отахонович Жабборов тайинланди.

⊕ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-люк Деханенинг таклифига биноан шу йил 12—14 ноябрда расмий ташриф билан Бельгия қироллигида бўлади.

⊕ Озарбайжонда Шарқнинг улуғ шоирларидан бири Муҳаммад Фузулийнинг 500 йиллик юбилейи нишонланмоқда. Шу муносабат билан Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги ўзбекистон делегацияси 7 ноябрда Бокуга жўнаб кетди. Делегация байрам тантаналарида иштирок этмоқда.

⊕ Буюк Британиянинг пойтахти Лондонда «Ўзбекистон бизнесга чорлайди» мавзуидаги конференция ўз ишини бошлади. Анжуман ўтказилишидан мақсад, Ғарб тадбиркорлари эътиборини Ўзбекистон билан кенг ҳамкорликка жалб этиш, Буюк Британия ва Европа минтақаси тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва фаоллаштиришдир. Конференцияда Ўзбекистон ҳайъатига республика Бош вазирининг ўринбосари В. А. Чжен бошчилик қилмоқда.

⊕ Россия Президенти Борис Ельцин юрагида жарроҳлик муолажасидан кейин ўзини яхши ҳис қилмоқда. У жарроҳликдан кейин мамлакат бош вазири В. Черномирдин билан қисқа учрашув ўтказган. Шунингдек, мамлакатни бошқариш, ядровий қувватини тасарруф этиш ваколатларини яна қайтадан ўз зиммасига олган.

⊕ АҚШда бўлиб ўтган сайловларда ғолиб чиққан Билл Клинтон мамлакатнинг иккинчи муддатга сайланган энг ёш президентларидан бўлди. Б. Клинтон янги ҳукумат тузишга киришди.

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

(Боши 1-бетда).

ми вилоят кўрсаткичидан 1,5-2 баравар камдир.

Бунинг асосий сабаби савдо шохобчаларида харидоргир моллар камлигида, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, кийим тикиш, транспорт, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигида, деб билиш даркор.

Вилоятдаги 555 қишлоқнинг учдан бирида ҳаммом, суратхона, таъмирлаш, косибчилик ва тикувчилик каби маиший хизмат турлари йўқ.

Қишлоқда иш ўринларини барпо этиш масаласи биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бўлса-да, Косонсой ва Поп туманларида бу масалага жиддий эътибор берилмаётир. Ж. Сиддиқов саккиз йилдан буён биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Наманган туманида ҳам маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларда жиддий оқсоқлик мавжуд.

Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди. Бу эса ўз навбатида янги мактаб биноларини, қўшимча синф хоналарини қуришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг ярмида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация шохобчалари, уларнинг бир қисмида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боғчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тўхтатиб қўйилган.

Тиббиёт муассасаларининг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ўпка шамоллаши, вирусли гепатит, тиф каби оғир касалликлар, шунингдек оналар ва болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда.

Бу турдаги касалликлар айниқса Норин ва Наманган туманларида 1,5-2 баравар ошганлиги, оналар ва болалар ўлимининг кўплиги бу ердаги раҳбарларни ташвишга солмаяпти.

Умуман, вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши қониқарли эмас.

Соғлом авлодни тарбиялашда эса спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам биз бу борада ўзимизнинг стратегиямизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик. Вилоятда ҳам янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар қурилиши, эскиларини таъмирлаш, спорт байрамларининг ўтказилиши ва «Навбаҳор» футбол жамоасининг муваффақиятли ўйинлари аҳолининг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен «Навбаҳор» футбол жамоасининг улкан ғалабаси — мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман.

Лекин, ҳурматли депутатлар, спорт соҳасидаги хато ва камчиликлар ютуқларга қараганда анча кўп. Жамоа хўжаликлари тасаррафидаги ўйингоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Спорт мактабларида юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлаш талаб даражасида эмас. Ўтган йил давомида вилоятда бор-йўғи уч нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Йирик спорт анжуманларида, жумладан, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчи ўйинларида атиги бир спортчи қатнашган. Атлантадаги XXVI олимпия ўйинларида эса биронта ҳам спортчи қатнашмаган. Республикада ўтказилаётган мусобақа турларининг 50 фоизи наманганлик спортчиларнинг иштирокисиз ўтмоқда.

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англаши борасида вилоят матбуоти етарли даражада иш олиб бормаяпти. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари саҳифаларида ислоҳотлар моҳияти чуқур таҳлил этилган мақолалар ҳам, танқидий чиқишлар ҳам жуда кам.

Вилоят телерадиокомпаниясининг кўп кўрсатувлари юзаки тайёрланмоқда. Улар зерикарли. Мамлакатимиз ва вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида етарли ахборот берилмаяпти.

Муҳтарам дўстлар!

Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динига кенг йўл очиб берилди. **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** Қонун қабул қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаяпмиз.

Мустақиллик давригача Ўзбекистондан ҳар йили атиги 5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Ҳозир-чи? Фақат Наманган вилоятининг ўзидан ҳар йили 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этмоқда. Давлатимиз бундан кейин ҳам ана шундай муқаддас сафарга бориш истагини билдирган фуқаролардан ўз ёрдамини аямайди.

Динимизга монелик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик — бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш — бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг ушбу қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

Ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, одамларимизни руҳан пок, иймонини бутун, иродасини бақувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Худо бизга қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми — мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-ҳариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Ва шу билан бирга, бева-бечораларга, етим-есирларга, ночор-ногиронларга мурувватли бўлсин, оллоҳнинг ўзи буюрган фитр ва закот фарзларини бажарсин.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Ота рози — худо рози, она рози — пайғамбар рози». Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам яратганимизнинг назарига тушади ва шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, **Оллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини бажариши шартдир.**

Намангандек табаррук заминда ана шу ақидаларни гапириш ўринли ва ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бу муқаддас заминда яшаётган, истиқомат қилаётган одамларга қўядиган талабларимиз ҳам жуда юксак бўлади. Айрим номақбул ишлар, чегарадан чиқишларни Наманган аҳли шаънига зид деб билиш керак.

Масжид — муқаддас масканн. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой.

Бироқ, назаримизда, вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича «кампаниябозлик» авж олиб кетганга ўхшайди. Кўп асрлик ислом тарихида **юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг иймони ва эътиқоди бутлиги, мустаҳкамлиги билан ўлчанган.**

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қилаётган «Иттифоқ» маҳалласида — 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган «Зарафшон» маҳалласида — 7 та масжид бўлгани ҳолда **ана шу маҳаллалар ҳудудида биттадан мактаб бор, холос.**

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший бинолар қурилишига сарфланса бўлмасмиди?

Бир маҳаллада 8-10 та, айрим кўчаларда бир нечталаб масжид қурилиши шартми? Яна такрорлаб айтаман: **ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва нораситаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак!**

Масжид мавқеи имом ва қавмнинг илму заковати даражасига қараб баҳоланади. Хўш, Наманган вилояти масжидларида аҳвол қандай?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни айтишга мажбурмиз: **бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган масжид имомларининг 7 фоизигина махсус диний маълумотга эга, холос. Афсуски, ана шунинг натижасида баъзан диний ақидалар нотўғри талқин қилинишига йўл қўйиляпти.**

Бундай номақбул ҳолатларга чек қўйилади, деб ишонамиз.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган **қишлоқ хўжалиги борасидаги ишлар тўғрисида гаплашиб олайлик.**

Вилоят деҳқонлари кейинги 2-3 йилда дончилик, пахтачилик ва чорвачилик соҳасида жиддий оқсамоқдалар. Бунинг асосий сабаби шуки, вилоятда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш тизими ислоҳотлар, бозор муносабатлари талаби асосида ташкил қилинмаяпти. Ҳар қадамда расмиятчилик, бепарволик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Йил бошида ҳар бир тумандан биттадан хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳақида баландпарвоз, умумий ваъдалар берилди, бироқ етарли даражада амалий иш қилинмади.

Агар деҳқоннинг қўлида хўжалик ихтиёрида бўлган бойлик — фондлар, меҳнат қуроллари, ернинг соҳиби сифатида ўз ҳиссасини белгиловчи ҳужжати бўлмаса, ўзининг улуши қанчалигини ва қанчалик яхши ишласа ўз пайига мувофиқ кўпроқ даромад олишини билмаса, унда мулкка муносабат ўзгармайди.

Вилоятда уруғчиликка, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор йўқ. Замонавий техника, технология ўзлаштирилмаяпти, ўғит ва сувдан самарали фойдаланилмаяпти.

Бу йил пахтанинг пишиб етилиши 20 кун орқада қолди. Унинг асосий сабаблари баҳорда чигитнинг кеч экилганида, минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва талаб этилган миқдорда берилмаганида, коллектор ариқлар тозаланмаганлиги оқибатида ер ости сувларининг кўтарилиб кетганида, ғўзанинг агротехник тадбирлари тўлиқ ўтказилмаганида. Умуман ишга лоқайдлик, масъулиятсизлик билан қарашда. Жонкуярлик, янгиликка интилиш, изланиш ва тадбиркорлик йўқлигида, деб биламан.

Мамлакатимизда **дон мустақиллиги**га эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга вилоят ғаллакорлари ҳам ўз улушларини қўшиб келмоқдалар. Аммо, жорий йилда ғалла етиштириш режасининг 79 фоиз бажарилгани ва ғалла ҳосилдорлигининг режага нисбатан 9 центнер камайгани вилоятда уруғчиликка, ғалла етиштириш технологиясига етарлича эътибор берилмаётганини кўрсатади.

Ачинарли бир мисол: Чуст туманида 1700 гектардаги ғалла эрта баҳорда қайта экилди. Натижада, туманда суғориладиган ердан ғалла ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этди.

Вилоятда кейинги йил ҳосили учун бошоқли дон уруғи жамғариш топшириғи атиги 54 фоиз бажарилди. Ғалладан бўшаган майдонларда эса такрорий экинлар экиш топшириғи барбод бўлди. Натижада чорва озуқасини жамғаришда талайгина муаммоларга дуч келинмоқда.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириғи 82, сут — 58, тухум — 63 фоиз бажарилган, холос.

450 та хўжаликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сигирлар ва қўй-эчкилар сони ўртача 15 фоиздан ортиқ камайганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш ўртача 30 фоиз камайиб кетган. Наманган, Норин ва Чуст туманларида эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5-2 баравар камайган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабат ва ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Мавжуд техникаларнинг 40 фоиздан ортиғи ишга яроқсиз ҳолатга келган. Уларнинг аксарияти эскирган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Кейинги уч йилда атиги 6 фоиз янги техника сотиб олинган, холос.

Табиий савол туғилади, агар ернинг унумдорлиги, экиннинг ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги оширилмаса йилига 2,7 фоиз кўпаяётган аҳолининг таъминоти нима бўлади?

Йирик 148 та саноат корхонасидан 17 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 405 миллион сўмга камайтириб юборди. Тўрақўрғон тумани «Ширинлик комбинати», «Шоҳи сўзана» бадиий буюмлар фабрикаси, Учқўрғон йигирув-тўқув акционерлик жамияти фаолияти мутлақо қониқарсиздир.

Вилоят саноатининг етакчи соҳаси ҳисобланган **енгил саноат корхоналарида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камаймоқда.** Ишчилар сони кескин қисқармоқда. Айниқса Ҳаққулобод йигирув-тўқув акционерлик жамияти, Наманган шойи ишлаб чиқариш, «Атлас», Чуст «Чевар» акционерлик жамиятлари бир неча йилдан буён ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб келаётганликлари ҳеч кимни ташвишлантирмаяпти.

Раҳбарият эса корхона бошлиқларини алмаштириш билан овора. Жумладан, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги 2 йилда учта раҳбар алмашгани ва кейинги раҳбар ҳам ишни янги хизмат машинаси сотиб олишдан бошлагани ва самарали фаолият кўрсатмаётгани кадрлар танлашдаги шошма-шошарлик эмасми?

Бир вақтлар бу корхоналарда 20 мингдан ортиқ киши ишларди. Ҳозир улар сони тенг ярмига қисқариб кетган. Чунки ишлаб чиқариш кескин камайди. Қишлоқ жойларида очилган филиаллари тўхтаб қолди. Маҳсулот бозори касод бўлмоқда.

Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товарлар кўринишидаги ўлик капитал миқдори 1,3 миллиард сўмга етди. Бунинг учун ким жавоб беради? Нега халқ мулкига бефарқ қараймиз?

Наманган қимё заводи ишлаб чиқариш ҳажмини 58 фоиз пасайтириб юборган. Сентябрь ойида эса завод умуман ишламаган. Корхона раҳбарлари ҳамон боқимандалик кайфияти билан яшаб, фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга умид боғлаб юрибди.

Наманган вилоятида 56 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Лекин улардан фақат 35 таси фаолият кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам учдан бир қисмигина ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани ташвишли ҳолдир.

Жорий йилда вилоятда республика ҳукуматининг кафолатланган банк кредити ҳисобига 81 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси ўзлаштирилиши керак. Аммо бу маблағларни тезроқ ўзлаштиришга, улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилмаяпти.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини — қурилиш мажмуида қурилишда бажарилган пудрат ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Норин, Наманган, Чуст туманларида, Косонсой ва Учқўрғон шаҳларида 70—80 фоизга тушиб қолган.

Вилоятда капитал маблағларни кўпроқ корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан ўзлаштиришга эътибор берилмаяпти. Баҳона битта — пул йўқ. Маблағ йўқ. Қачонгача бюджет маблағларига кўз тикиб ўтирамиз?

Аҳолиси зич жойлашган Учқўрғон шаҳри, Норин, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида якка тартибдаги қурилишлар бўйича топшириқлар бажарилмай келаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири — аҳолига қурилиш материаллари сотиш қониқарсиз ташкил этилганлигида. **Натижада аҳоли лой-пахсадан, гуваладан уй-жой қурмоқда. Қурилаётган бинолар эса кўримсиз, ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларга мос келмайди.**

Бир вақтлар вилоятда йилига 150 миллион дона пишиқ ғишт чиқарадиган заводлар бор эди. Қани ўша заводлар? Қани мамлакатимизга довруғи кетган Наманганнинг ўзига хос меъморчилик анъаналари?

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Наманган шаҳридан бир машина ғиштни Норинга олиб келиш учун 2 минг сўм йўл ҳақи тўланса, Норинда ғишт заводи бўлмаса, аҳоли қандай қилиб пишиқ ғишт-дан уй қурсин?

Маълумки, **давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида** Наманган вилоятида мўлжалланган асосий кўрсаткичлар бажарилаётган бўлса-да, мавжуд 323 та акционерлик жамиятларида акциялар чиқариш ва сотишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жорий йилда акция сотиш режаси Тўрақўрғон тумани, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққулобод шаҳарларида ўртача 40 фоиз бажарилган, холос.

Миллионлаб сўм давлат маблағининг ҳаракатсиз «ўлик» сармоя бўлиб қолишига сабаб бўлаётган 200 та қурилиши тугалланмаган бинолардан атиги 9 таси «ким ошди» савдосида сотилганини қандай баҳоламоқ керак?

Наманган вилоятида эмиссия салмоғини пасайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш, тўлов интизомига қатъий риоя этиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш талаб даражасида эмас.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 103,5 фоиз бажарилган бўлсада, солиқнинг уч тури бўйича 61 миллион сўм кам маблағ тушди. Шу йил мобайнида бюджетга солиқдан тушмаган тўловлар 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Вилоят бюджетининг ҳаражат қисми 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди. Лекин болали оилаларга нафақага ажратилган маблағ атиги 32 фоиз ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга зид эмасми?

Вилоятда шу йилнинг 9 ойида эмиссия ҳажми 2,6 марта ўсди. Айниқса Норин, Поп, Чортоқ, Учқўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Янгиқўрғон туманларида аҳвол яна ҳам аянчли.

Хўжалик субъектлари томонидан касса интизомининг бузилиши, яъни тушумни банкка топширмай, кўзда тутилмаган мақсадларга сарф-лаш ҳоллари кўпаймоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг барқарор эмаслиги ҳамда пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар натижасида иш ҳақи ва тўловлар ўз вақтида берилмаётир.

Азиз биродарлар!

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда умумий жиноят сони 8 фоиз камайган. Ўта оғир жиноятлар 24 фоиз, оғир жиноятлар сони 6 фоиз, оғир шикаст етказиш ҳолатлари 15 фоиз озайган. Ўтган йилнинг 9 ойида милиция жиноий-қидирув жараёнида жиноятларни очиш даражаси 88 фоизни ташкил этган бўлса, бу йилнинг шу даврида 91 фоизга кўтарилган.

Албатта, бу рақамлар ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатидан дарак беради. Аммо уларга жиддий эътирозларимиз ҳам бор.

Намангандек хулқ-атвори юксак элда номусга тажовуз этиш ҳолларининг 39 фоиз, товламачилик 31 фоиз, фирибгарлик 15 фоиз ошганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу турдаги жиноятлар айниқса Наманган шаҳри, Косонсой, Наманган, Поп ва Уйчи туманларида кескин ошди. 309 та иқтисодий жиноят аниқланиб, 218 киши, жумладан, 41 киши порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Республика прокуратураси текширишлари натижасида биргина Норин туманида бир неча ашаддий қонунбузарликлар аниқланди ва 14 та жиноий иш қўзғатилди.

Вилоят ва туман судларининг фаолиятига ҳам эътирозлар кўп. Масалан, илгари 7 марта судланган фуқаро Г. Пак ноқонуний равишда тўппонча, милтиқ ва ўқ-дорилар олиб юргани ҳамда наркотик моддаларни сақлагани учун Мингбулоқ тумани суди томонидан атиги 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Аксинча, Наманган шаҳар суди бир жуфт калиш ўғирлагани учун фуқаро К. Раҳматовга қамоқ жазоси берган. Давлатобод туман суди эса иккита аёллар қўйлагини ўғирлагани учун Г. Йўлдошевани 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Демак, қисқа вақт ичида вилоятда 4 нафар судья, шундан иккитаси порахўрлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам тасодиф эмас экан! Қани судларнинг одиллиги?

Кейинги уч йил ичида 66 нафар милиция ходими жиноий жавобгарликка тортилди. 120 ходим эса ишдан бўшатилди. Норин тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати бўлинмаси бошлиғи А. Эшонбобоев, Поп тумани судьяси З. Ҳайдаровалар пора олганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Муҳтарам дўстлар!

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ.

Албатта, ҳар бир сайланаётган ва тайинланаётган раҳбарга халқ жуда катта умид ва ишонч билан қарайди.

Раҳбар сайланаётган пайтда, албатта, энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савияси эътиборга олинади. Ижтимоий ҳолат варақасига бир қарасак, сайланаётган ёки тайинланаётган раҳбарларимизнинг аксарияти бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Аммо бу масалада биз иккинчи томонга ҳам жиддий эътибор беришимиз керак.

Бу муҳим савол шундан иборатки, раҳбар лавозимига, курсисига ўтираётган одамнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса, ўз манфаатини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун кучини, бутун борлиғини бахш этишга, фидо этишга тайёрми ёки тайёр эмасми?

Айтинглар, азиз дўстлар, бу улуғ мезонни қайси тарозуда ўлчаш мумкин?

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади, одамларни ўрганади. Яна бир йил баҳоли-қудрат ишлайди, ҳаракат қилади. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бақувватгина бўлиб қолганидан кейин, бола-чақани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган мол-бойлик тайёрлаб қўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзиям чақнамайди, кўзиям чақнамайди, ҳаракатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, қисқача, содда қилиб айтганда, «оқсоқоллик гашти»ни суриб, шунчаки «ҳорманг! — бор бўлинг!», деб юрадиган бўлиб қолади.

Яъни, энди бу одамнинг гўёки иши битган, эшаги лойдан ўтган. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиоримиз, даъватимиз, бундай одамнинг қулоғига жуда узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланади.

Очиқ айтишимиз керак: ҳам вилоят, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари орасида мана шу касалликка мубтало бўлганларни учратиш мумкин.

Бу дардга қандай даво бор? Унга қарши қандай дори-дармон топиш мумкин?

Албатта, авваламбор, бу борада давлатимиз қонунчилиги, ҳисобот тартиби, жавобгарлик масъулияти ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Лекин бу касалликнинг энг катта ва энг таъсирчан шифоси борки, **бу — жамоатчиликнинг доимий назоратидир.**

Ҳали иситмаси чиқмасдан туриб, раҳбарнинг биз айтган дардга чалинганини ким биринчи бўлиб сезиши мумкин?

Албатта, унинг атрофида яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа, жамоатчилик. Лекин мен биламанки, буни ошкор қилиш, керакли шошилинч чора-тадбирларни кўриш, аччиқ бўлса-да, раҳбарнинг юзига ҳақиқатни очиқ гапириш, афсуски, негадир бу тартиб бизнинг одатимизга кирмаган.

Бундай тартиб, яъни касалликнинг олдини оладиган таъсирчан тартиб, минг афсуски, ҳаётимизда жуда кам учрайди. Агар бу касаллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда тўғри гапиришга журъат этувчи одамлар пайдо бўлса, билиб қўйингки, бундай бечораларнинг боши қалтакдан чиқмайди. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолини вой қилади.

Натижада тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш йўлига ўтади.

Биз **андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик** деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган ана шу қусурдан бутунлай холи, бутунлай халос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиз, тузатишимиз бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

Очиқ айтиш керакки, вилоятда кадрларни шошма-шошарлик билан, тадбиркорлик, ташаббускорлик, касбий ва ахлоқий сифатларини чуқур ўрганмаган ҳолда юқори лавозимларга қўйиш ҳоллари мавжуд.

Шу боис ўтган бир йилу тўққиз ой мобайнида вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман, шаҳар ҳокимларидан саккиз нафари ўз вазифасидан озод этилдилар. Жумладан, Чортоқ шаҳри, Чуст тумани собиқ ҳокимлари А. Ҳожиев ва Р. Муртазоев ўз хизмат вазифаларига ўта бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараганлар. Улар суиистеъмолликлар ва қонунбузарликлар учун ҳибсга олинган.

Вилоят халқ депутатларидан беш киши, шу жумладан, Мингбулоқ тумани, Ҳаққулобод шаҳар собиқ ҳокимлари И. Собиров ва Х. Мелибоев жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б. Абдуғаниев, Ю. Собиржонов ва А. Султонов ҳам худди шундай нуқсонлари учун ўз лавозимларидан озод қилиндилар.

Кадрларни лавозим билан «сийлаш» оқибатида Мингбулоқ, Норин, Чортоқ, Уйчи ва Давлатобод туманлари ҳамда Ҳаққулобод шаҳрида ҳар йили 25-30 фоиз раҳбар кадрлар алмашган.

Муҳтарам дўстлар!

Биз муқаддас заминда яшаяпмиз. Бу азиз тупроқда не-не улуғ аждодларимизнинг, пиру авлиёларнинг ҳоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Бугун биз ана шуларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

Наманган халқи бу орзу-умидларнинг қадриятини яхши тушунади. Уни эъзозлайди. Бунга ишончим комил. Чунки бу халқ азалдан ўзининг юксак ахлоқ-одоби, бой маънавияти, беқиёс иймон-эътиқоди билан ўрнак бўлиб келган халқ. Энди, азиз дўстлар, ана шу асрлар мобайнида тўплаган қадриятларимизни янада бойитиб, бутун куч-қувватимизни, тажрибамизни миллат ва мамлакат равнақига сафарбар этайлик.

Ана шунга эришсак, вилоятнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Иншооллоҳ, яратганнинг ўзи бизнинг бу улуғ орзуларимизнинг амалга ошишига мададкор бўлгай.

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

Халқаро ҳамкорлик

ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА МОСЛАШТИРИШ

Олмония Халқаро ривожланиш фонди (DSE) ҳақида кўп эшиттанмиз. Мана, тўрт йилдирки, ушбу нуфузли ташкилот мустақил ёш республикамиз билан узаро ҳамкорлик қилмоқда. Аниқроғи, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Ҳунар-техника таълими бош бошқармаси билан ўқув машғулотлари ўтказаётир. Куни кеча ҳунар таълими илмий тадқиқот институтида фонднинг навбатдаги семинари иш бошлади. Бу 1996 йил ҳисобидан иккинчи марта ўтказилаётган семинардир. Ўқув машғулотларини Олмониядан келган бир қатор обрули олимлар, хусусан, доктор Х. Ҳабиб, доктор Ханс Ёахим Бугхенхаген ва Херберт Мешэллар олиб бормоқда. Семинар мавзуси «Ҳунар таълими стандартларини бозор иқтисодиётига мослаштириш»га қаратилган бўлиб, бу борада бир қанча муаммолар юзасидан мулоҳазалар юритилмоқда.

— Бугунги кун эскиликни хоҳламайди, — дейди семинар ташкилотчиларидан бири, республика Халқ таълими вазирлиги Ҳунар таълими илмий тадқиқот институти директори Ҳикматулла Рашидов. — Бугун мамлакатимизда ўтказилаётган барча ислоҳотлар давр талаби асосида юзага келяпти. Хусусан, таълим тизимида, айниқса, ҳунар таълими жабҳасида қунгилдагидек ишлар амалга ошириляпти. Бироқ, ҳозирча барча ишларимиз жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради, дея олмаймиз. Ўйлайманки, бугунги саъй-ҳаракатларимиз эртага ўз ширин меваларини бериши, шубҳасиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги қўпгина ҳунар-техника билим юртларида хорижликлар тажрибаларидан фойдаланиб, эътиборли натижаларга эришиляпти. Бу хил кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз, халқимизнинг «Урганган ўзади» деган ибратли нақли ёдга тушади.

Л. БЎРИЕВ.

Ўрта мактабларда ўқитиладиган фанларнинг ҳар бири ўқувчиларни бири-бирига ўхшамаган оламлар билан таништиради. Хусусан адабиёт беғубор болаларни софдиллик, ҳақиқат, эзгулик устивор бўлган дунёга етаклаб, уларга ушбу хислатларнинг бир умр ҳамроҳ бўлиб қолишига ёрдам беради. Оқдарё туманидаги 38-ўрта мактабнинг адабиёт фани муаллимаси Маҳбуба Умарова кўп йиллардан буён шундайин машаққатли, ўз ўрнида ҳузурбахш ишни уддалаб келмоқда.

СУРАТДА: М. Умарова галдаги машғулотни ўтказаётган пайт.

А. РАҲИМОВ олган сурат.

ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

ёхуд тестлар кишининг маънавий даражасини белгилай оладими?

Шу йили 250 минг нафар мактаб битирувчиларидан 205 минг нафари олий ва урта махсус уқув юртларига, хусусан:

— 92 минг нафари кундузги бўлимларга;

— 16 минг нафари сиртқи бўлимларга;

— 97 минг нафари урта махсус уқув юртларининг барча шаклларига ҳужжат топширдилар.

Муборак туйи нишонланаётган Соҳибқиронинг «Куч адолатдадир», деган ўгити дунёни бошқаришдан бошлаб, жамиятнинг кичик сабабиятигача ўйлаб айтилгандек гуё. Хусусан бу ўгитни бир неча йилдан буён олий ва урта махсус уқув юртларига кириш учун қўлланилаётган тест синовларига нисбатан айтса ҳам бўлади. Бир сўз билан таъкидлаш мумкинки, тест ўзига хос адолат торозуси. Бу фикримизга турлича муносабат билдирувчилар чиқади, албатта.

Биринчи гуруҳ — тестда ҳам таниш-билиш, пул ишлатса бўлади, деб ўйлашади ва айримлари ишонади. Бундайлар оз бўлса-да, топилади. Келинг, уларга бир ибратли воқеани айтиб берайлик. Шу йили имтиҳон натижалари эълон қилингач, 50 ёшлар атрофида, одмигина кийинган икки киши таҳририятимизга кириб келди. Улар «Сизларда Фалончиев деган мухбир ишлар экан, шу киши керак эди», дейишди. Бизда ундай фамилияли киши ишламаслигини, илгари ҳам ишламаганлигини айтдик. Улардан биринг кайфияти бузилди, ранги ўзгарди ва бизга илтижоли боқиб деди: «Ахир у ўзи айтди-ку, мен «Ўқитувчилар газетаси»да мухбир бўлиб ишлайман» деб. «Ўқитувчилар газетаси»нинг номи беш йилдан буён «Маърифат» бўлиб ўзгарганлигини отахон билмас эканлар ва табиийки фирибгарнинг гапига (ахир у ҳам билмас экан-да) ишонибдилар. Қисқаси шу «мухбир» пулни (қанчалигини отахон айтмади) олиб, «домла билан гаплашай» деб бир «дом»га кириб кетибди. Отамиз уч-тўрт соат кутгач, тоқатлари тоқ бўлиб, «дом»га кирсалар, подъезднинг орқа эшигини ҳам очиқ қурибдилар. Маълум вақт излаб уни тополмагач, «Ўқитувчилар газетаси»ни қидиришга тушибди.

Очиги у кишига раҳмимиз келди. Ахир бу пулларни ҳалол меҳнат билан топганлиги кўриниб турарди. Исм-шарифларини ҳам, пулнинг миқдорини ҳам айтишмай, хомуш ҳолда чиқиб кетишди. Милицияга хабар беришдими йўқми, бизга қоронғу. Шу пулнинг маълум қисми фойдали нарсаларга эртароқ сарф қилинса (китоблар, тестлар сотиб олинса, борингки, репетитор ёлланса) бўлмасмиди? Биз юқорида таъкидлаган биринчи гуруҳдагилар ҳеч бўлмаганда, билимлилар ўқишга кираётганини ҳам тушунгилари келмайди.

Иккинчи гуруҳ — тест синовларининг адолатли эканлигини англаганлар ва бу ишончнинг натижасини тажрибада синашди. Уларнинг кўпчилиги дил изҳорларини қоғозга туширишиб таҳририятимизга йўллашди, айримлари ҳаяжон билан идорамизга кириб келишди. Бу хурсандона ҳаяжоннинг табиийлигини бир қарашдаёқ сезасиз. Илк сўзлари шундай бўлади: «Болам ўқишга кириб кетдией, ўз билими билан!». Шундан кейин «газетангиздан жой беринг, раҳмат айтайин» дейишади. «Кимга?» деймиз. «Президентга, — дейишади улар — ҳукуматга, тестни ўйлаб топганга, тест марказига...» ва ҳоказо. Уларнинг айримларини газетамиз саҳифасида эълон қилганимиз муштарийларга аён.

Учинчи гуруҳ эса зиёлилардан иборат бўлиб, улар тестлар мукаммал эмас, яъни тузилган саволлар ўқувчининг билимини ҳар томонлама аниқлай олмайди ва иккинчи жиҳати бу саволларга жавобларини ёдлаш ўқувчини маълум маънода «тутиқуш» қилиб қўяди, дейдилар. Аввало, уларнинг таъкидлари бежиз эмас, шу билан бирга уларга жавоб бериш унчалик мушкул ҳам эмас. Тест саволлари янада мукаммаллаштирилиши, таъбир жоиз бўлса, купайтирилиши лозимки, улар талабаликка талабгорнинг билим даражасини ҳам, фикрлаш қобилиятини, дунёқарашини ҳам кўрсата олсин. Йилдан-йилга тестларнинг мукаммаллашаётганини кўпчилик сезаётган бўлса керак. Дейлик, бу йилги тест саволлари ўтган йилдагидан маълум маънода фарқ қилади.

Анчагина тажриба тўплаган тест маркази ходимлари, хусусан марказ директори Муҳсин ака Муҳиддинов билан бўлган суҳбатда ҳам қисман шу масалага тўхталдик. Муҳсин ака саволлар янада мукаммаллашиши, кўпайишини ва бу саволлар марказнинг ўз нашри — «Ахборотнома»да эълон қилинишини таъкидладилар.

Дарвоқе, «Ахборотнома» ҳақида. Бу нашр келгуси йили ҳам чоп этилади. Фақат уни тарқатиш бошқача бўлади. Муҳсин аканинг айтишича, «Бу нашрга обуна бўлиш мумкин. Унинг 1997 йил январь ойидан бошлаб майгача 12 сони ҳам ўзбекча ва ҳам русча алоҳида-алоҳида бўлиб чиқади.

Дарҳақиқат, бу нашрга келгуси йил ўз фарзанди абитуриент бўладиган ота-оналар обуна бўлишса, уни ўқиб қўшимча тест саволларини ва тест борасидаги турли янгиликларни билиб борадилар.

Тест марказидан репортаж берганимизга ҳам икки ой бўлиб қолди. Унда тест балларини санаш билан бирга олий ўқув юртига кириш балларининг ўтган йилги кириш балларидан юқорилигини марказнинг таҳлили орқали аниқлагандик. Айни кунда бу ерда яна бир каттагина диагностик таҳлил амалга оширилибди. Бу иш катта ҳажмда (қарийб 20 босма тобоқ) нашр этилган бўлиб, унга М. Муҳиддинов ва Д. Набишевлар муаллифлик қилишган. Китоб тест марказининг кичик нашриётида чиқарилган бўлиб, жами минг нусхада босилган. Унда туман мактаблари абитуриентлари билан шаҳар мактабларини битирган абитуриентлар тўплаган баллар ўзаро қиёсланган. Бунда ўртача ва энг юқори баллар келтирилган. Фарқ «ер билан осмон» эмас экан ҳар ҳолда. Туман мактаблари шаҳарларга нисбатан 5-10 балл камроқ йиғишибди. Бу таҳлилдан яна турлича хулосалар ҳам чиқариш мумкин. Масалан, санъат соҳасига қизиқиш асосан туман мактаблари битирувчиларига хос экан. Дейлик, Тошкент вилояти бўйича режиссёрлик, музей иши, мусиқали театр актёри, қўғирчоқ театри, гижжак ва ҳоказо санъат соҳасига тегишли бўлган йўналишларга вилоятдаги шаҳар мактабларидан ҳужжат топширилмаган. Бундай ҳолни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин. Бу, албатта, тест марказида бажарилган қиёслашнинг қизиқ бир кўриниши.

Хуллас, марказдаги маълумотлар орқали яна нималарни билиб олиш мумкин? Менимча, энг асосийси бунда ҳар бир вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари ўз ишларининг натижасини, албатта, ютуқ ва камчиликларини билиб олишлари мумкин. Муҳсин аканинг айтиши бўйича бунда фанларнинг ўзлаштириш даражаси, ҳатто бирор фаннинг қайси боблари ёки бўлимларини абитуриентлар, яъни собиқ ўқувчилар яхши ўзлаштира олмаганликларини аниқлаш мумкин экан. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, тест маркази ўзига хос ойна вазифасини ўтайди. Ойнага қараб ,у ёқ бу ёғимизни тузатиб олганимизга не етсин.

Республика бўйича шундай бир таҳлил: техник йўналишдаги ва табиий фанларга топширган абитуриентлар масалаларнинг ўртача 40-50 фоизини тўғри ечишган.

— Илгари таъкидлаганимиздек, республика бўйича бу йилги кириш баллари ўтган йилгидан баланд бўлди ва бу барчани қувонтирди, — дейди Муҳсин ака. — Лекин Давлат тест марказида энг юқори балл олганлар таҳлилидан маълум бўлдики, табиий фанлар (математика, физика, химия) ва махсус техник йўналишлар бўйича ўртача балл нисбатан паст даражада. Бу кўрсаткич Сурхондарё, Навоий, Сирдарё вилоятлари шаҳарларида кузатилади. Туманлардаги кўрсаткич эса ундан ҳам паст. Хоразм ва Бухоро вилоятлари шаҳарларида бу кўрсаткич нисбатан баланд, қишлоқ ҳудудларида эса ундан ҳам юқорироқ. Шаҳар билан туманларнинг ўртача баллари Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида баробар, яъни фарқ унчалик катта эмас.

Чет тиллар бўйича илмгоҳларга имтиҳон топширган абитуриентларнинг кўрсаткичларидан хорижий тилларга интилиш кучайганлигини кўришимиз мумкин. Қизиқ жиҳати шундаки, бу борада туман ва шаҳар абитуриентлари тенгма-тенг балл тўплашган. Масалан, Тошкент шаҳрида инглиз тили бўйича ўртача балл 129,85 балл бўлса, вилоят туманларида 129,16 балл, немис тили бўйича эса шаҳарда 96,1, туманда 109 балл. Бундай кўрсаткич Наманган ва Қорақалпоғистон республикасида ҳам кузатилди. Чет тиллари бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро вилоятидадир: ўртача балл инглиз тилидан 150, 55 (шаҳар) ва 136,13 (туман), немис тилидан 132,59 (шаҳар) ва 125,6 (туман), Самарқанд вилоятида инглиз тилидан — 144,3 (шаҳар) ва 135,4 (туман), немис тилидан — 124,5 (шаҳар ва 122,8 (туман), Хоразм вилоятида инглиз тилидан 134 (шаҳар) ва 122,6 (туман) балл, немис тилидан эса 115 (шаҳар) ва 108 (туман) балдир. Сурхондарё вилоятининг ҳам шаҳар ва ҳам туманлари чет тиллар бўйича энг паст кўрсаткични берди.

Ижтимоий фанлар бўйича эса шаҳар ва қишлоқ мактаблари абитуриентларининг ўртача баллари деярли тенг эканлиги кузатилди. Қорақалпоғистонда эса туман ва шаҳар мактабларининг ўртача баллари энг пасти ҳисобланади. Андижонда эса қишлоқ мактаблари шаҳар мактабларига нисбатан юқори кўрсаткич берди.

Ўртача баллар ўсиши учун табиийки, ўқув ишларини яхшилаш керак. Лекин Муҳсин аканинг фикри бўйича ариза топширганларнинг маълум қисми таваккалчилар ҳисобланади. Уларнинг билими етарли эмас, яъни тахминан белгилайдилар ва маълум балл тўплашлари аниқ. Натижа эса барибир паст бўлади. Шунингдек улар давлатнинг пулини ҳам совурадилар. Марказ директорининг фикрича, бўлажак абитуриентлар жойларда кириш имтиҳонлари олдидан тест топширишлари ва маълум балдан юқориларига «олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга», деган гувоҳнома берилиши керак экан. Бунинг учун тест марказида имконият бор, — дейди М. Муҳиддинов, — фақат бироз маблағ керак бўлади. Шу жараёнда биз юқорида таъкидлаганимиз бўйича фанлар ўзлаштирилиш даражасини нафақат вилоят, туманлар, балки бир абитуриент жавобларини таҳлил қилиб, унинг қайси фаннинг қайси бобини яхши ўқимаганлигини диагностикамиз орқали айтиб бера оламиз.

Охирги саволим, айни кунда тест маркази нима иш билан машғул эканлиги борасида бўлди.

— Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимлари билан учрашувда айтган фикрлари, бу асосда чиқарилган қарор бизни ҳам илҳомлантириб юборди, — деди М. Муҳиддинов. — Биз кишиларнинг, хусусан, масъул ходимларнинг билимини синаш борасида махсус тестлар тузиб, энг билимли одамлар савиясини аниқлаш устида ишлаяпмиз.

Буни маълум маънода янгилик дейиш мумкин. Бироқ бунда ҳам юқорида таъкидлаганимиздек уч гуруҳдаги одамлар турлича фикр билдирадилар. Келинг биз ҳам савол берамиз: «Тестлар кишининг маънавий даражасини белгилай оладими?» Буниси энди алоҳида мавзу.

Ҳалим САЙИД.

БЕПАРВОЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Болани қанчалик суйсак, ардоқласак оз. Негаки, у биз ота-оналарнинг бир умрлик орзу-ҳавасимиз, қувончимиз, дардимиз, армонимиз. Чунки болапарварлик азалдан қон-қонимизга сингиб кетган. Лекин, айни кунларда, яъни бозор иқтисоди шароитида баъзи биз «икир-чикир»ларимизга беихтиёр ўралашиб, нафақат ўз-ўзимизга, балки бутун бир ўзбек миллатига ярашиқ саналган бу хислатни беихтиёр унутиб қўймадикмикан? Бевосита Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ўтказилган «Вояга етмаганлар ҳуқуқидаги ғайриқонуний кўринишларнинг ижтимоий-педагогик профилактикаси қатнашчилари ҳамкорлиги» мавзуидаги илмий-амалий семинар кенгаши ҳам кўпроқ ана шундай муаммолар ечимини топиш масалаларига бағишланди.

Анжуманга асосан халқ таълими, ҳуқуқ идоралари, жамғармалар, маҳалла қўмиталарининг вакиллари таклиф этилди.

Келинг, яхшиси Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошевнинг баъзи мулоҳазаларига бир эътибор беринг-а:

«Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳар кўчаларида қўлида челак ва латта ушлаб ўзгаларнинг машиналарини астойдил ювиш билан овора бўлаётган ёки бўлмаса бозорларимизда арава судраб, юк ташиётган ўсмир ёшлар жуда кўпайиб кетди. Тўғри, улар ўғирлик қилаётганлари йўқ, меҳнат билан пул топишяпти. Балки шу баҳона ўз ота-оналарига озгина бўлса-да ёрдамлари тегаётгандир. Бу, албатта, бир тарафлама олиб қараганда тўғридир. Аммо, ўша болалар ҳам мактаб ўқувчилари-ку! Улар бир томондан ноқонуний равишда ҳаракат қилаётган бўлсалар, иккинчи томондан бутунлай назоратсиз қолиб кетишмоқда. Ахир мактаб ўқувчисини ҳамма нарсадан айри ҳолда фаққат пул топиш кўчасига олиб кириб қўйсак, оқибати нима бўлади? Мактаб-чи?

Тўғри, ҳозирги шароитимизда иқтисод ҳам ўз йўлида керак. Бундан асло юз ўгириб бўлмайди. Лекин, бу ишларни болаларимизнинг бўш вақтларига мўлжаллаб, қонунлаштирилган йўсинда, боринг, ана, ўша машиналарни ювиш учун ҳам алоҳида, хавфсиз жойларни танлаб, қаттиқ назорат остида амалга оширишимиз мумкин-ку! Балки шундай қилсак болаларимиз эртадан то кечгача қаровсиз қолиб кетишмасмиди?..»

Семинар-кенгашда Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи М. Ражабова ҳам сўз олиб, шу кунгача шаҳар ёшлари орасида 700 га яқин жиноят содир этилгани, 680 нафар жиноятчи эса ҳали 18 ёшга ҳам етмагани, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ўсмир болалар эканлиги, устига-устак сўнгги вақтда ёшлар орасида одам ўлдириш, талончилик каби ўта оғир жиноятлар сони анча ошганлигини қайта-қайта таъкидлади.

Семинар-кенгашдан сўнг алоҳида шўъбалар ўз ишини бошлади. Уларнинг асосий вазифаси ҳам болаларнинг бўш вақтини тўғри шакллантириш, бу соҳада маҳалла, ҳуқуқ идоралари, умуман шу ишга алоқадор ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Анжуманда Республика халқ таълими вазири муовини Йўлдош Саиджонов иштирок этди.

Олимжон ҲАЙИТ.

БОЛАЛАР СОҒ БЎЛИШСИН

Олий ўқув юртларида

Узбекнинг хислатлари кўп. Санаб, адоғига етолмайди киши. Бироқ, барча ўзига хосликлари ичида серфарзандлиги билан манаман деб ажралиб турса керак. Унинг болажонлиги ҳам, кўнгли оқлигию юмшоқ феъллиги ҳам шундан.

Мустақиллик ўзбекка кўп нарса берди. Яна, «Соғлом авлод учун» деган ҳаракатни илгари сурдики, бу ўзбек учун айни муддао бўлди. Нафақат ўзбек, балки жами Узбекистон учун, унинг келажаги учун.

Бу ҳаракат ўзбекни ҳушёр торттирди. Ота-оналарни сергаклантирди. Муаллимлар олдига вазифа қўйди: «Болалар соғлом ўссин!»

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти мазкур ҳаракатга ўзига хос ҳисса қўшаётган даргоҳлардан саналади. У болалар шифокорлари етиштирадиган Марказий Осиёдаги ягона ўқув юртидир. Унда педиатр, жарроҳ, болалар кўз шифокорлари, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари шифокори, микропедиатрлар, фтизиатрлар, реаниматолог ва бошқа ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Бундан чорак аср муқаддам институт илк ташкил топган пайтлари — унда бор-йўғи 40 та кафедра мавжуд эди. Бугунга келиб эса кафедралар сони 56 тага етди. 60 нафар фан доктори, 246 нафар фан номзоди талабаларга сабоқ беришяпти.

Мустақиллик шарофати билан бу ерда олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб кўп поғонали таълим тизимига ўтилди. Ҳозирда биринчи даражали бакалавр педиатр шифокор тайёрланмоқда. Яна умумамалиёт педиатр шифокорларини ҳам тайёрлаш кузда тутилаётир.

Олий таълимни сифат жиҳатидан қайта ташкиллаштириш талабаларга янги усулда билим беришни тақозо қилади. Институтда бу масалага чуқур эътибор билан қаралмоқда. Масалан, муаян босқич асосида ўқитиш шулар жумласидандир. Бу — биринчидан, тезкорликни вужудга келтирса, иккинчидан, талабаларда мустақил фикрлаш унсурларини пайдо қилади.

Тест усули ҳам ўқув юртига оммавий кириб келмоқда. 120 та компьютер билан жиҳозланган тест марказида талабалар имтиҳондан ўтишаяпти. Айниқса, баҳолашнинг рейтинг тизими айни муддао бўлди. Натижада, талаба ўз билимини кузгуда бемалол кўриш, ўзининг кейинги ниятларини қай йўсинда амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Ҳар қандай билим амали билан аҳамиятлидир. Институтда фаолият кўрсатаётган 20 дан ортиқ бўлимдан иборат даволаш маркази талабаларнинг кўзи пишишига имкон яратаяпти. Марказдаги баъзи жараёнда талабалар бевосита иштирок этишяпти. Яқинда марказга Япония ҳукуматининг беминнат ёрдами туфайли Англия, Германия ва бошқа Европа давлатларида ишлаб чиқарилган умумий қиймати 397 миллион иенолик 248 та замонавий ускуна тухфа қилинди. Бу ўз навбатида мураккаб биокимёвий, рентгенологик ва бошқа текширувларни юқори даражада ўтказишга замин яратади, болалар кардиожарроҳлигининг янги уфқларини очади.

Институтда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда етарли шароит мавжуд. Олимлар ҳамда тадқиқотчилар болалар касалликлари бўйича бир қанча ўзига хос, янги усулларни ишлаб чиқдилар. Профессорлар А. Сулаймонов, Ш. Эргашев, П. Жалолов, Т. Аъзамхўжаевларнинг илмий янгиликлари, айниқса диққатга сазовордир.

Малакали шифокор тайёрлашда талабанинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ишда талабалар ва ходимлар касаба уюшмалари кенгашлари, «Камолот» жамғармасининг таъсири сезиларли бўлмоқда. Ўқув юртида ўтказиб туриладиган «Талабалар куни», «Гиппократ қасами» кечалари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, кўп тиражли «Педиатр» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган истеъдодли ёшларнинг «Нишона» клуби фаолияти талабаларнинг маънавий камолотига қанот бағишламоқда. «Нишона»нинг аъзолари ижоди билан кейинги сонларимиздан бирида танишишингиз мумкин.

Аллалхусус, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти юртимизнинг ёрқин келажагида ўз ўрнига эга. Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш ишида уларни хизмати ҳамиша беқиёсдир.

А. ШОКИРОВ.





Суратларда: институт ҳаётидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Менга сўз беринг

ШАРОИТ БОР, АММО...

Фалакнинг гардиши билан мен янги ўқув йилини Тошкент шаҳрининг Миробод тумани ҳудудида жойлашган Ойдин Собирова номидаги 294-ўрта мактабнинг 11-синфида давом эттирмоқдаман. Очиғини айтиш керак, вилоятларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг аксар қисмида пойтахтда билим олиш орзуси бўлади. Мен ҳам ана шу минглаб тенгдошларим сингари бир вақтлар жуда-жуда ҳавасманд бўлгандим...

Тўғри, афсуслан-майман. Лекин мени қўлимга қалам олиб ёзишга ундаган муаммони кенг муштарийлар ҳукмига ҳавола қилишни нафақат бурчим, балки келажак олдидаги мажбуриятим деб биламан.

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида 10 йил ўқиган бўлсам, аниқ биламанки, шундан 3-4 йили қишлоқ хўжалик ишларига сарфланган. Бу ҳам керак, албатта. Аммо кўпгина мактабларда чуқур билим олиш, қизиққан фан билан янада кенгроқ танишиш учун тўла имконият йўқ. Муаллифларимиз қўлларидан келганча ёрдамларини аяшмаган, ўз навбатида ўқувчилар ҳам билимга чанқоқлиқлари, қўшимча адабиётларни излаб топиб ўқишларини кўпчилик жуда яхши билади. Собиқ синф раҳбарим Шаҳло опа Эргашеванинг бизга берган сабоқларини бир умрга ёддан чиқармайман. Дугоналарим билан бирга тунлари мижжа қоқмай дарс тайёрлаганларимиз кўз ўнгимдан нари кетмайди.

Хўш, пойтахтда қандай экан, деган фикр туғилгандир, кўпчиликда. Умуман олганда, бирон-бир мактаб хусусида салбий фикр айтиш ниятидан йироқман. Мен ҳозир билим олаётган мактаб нафақат шаҳарда, балки бутун республика бўйича намунали билим масканларидан ҳисобланади. Устозларим ҳам билимлари, дунёқарашлари ҳамда одоб-ахлоқлари билан меҳримни қозонишди. Таълим-тарбия соҳасига салкам чорак асрлик умрини бахшида этган Меҳри опа Мақсудова мени жуда илиқ кутиб олдилар ва аҳил оиланинг севимли фарзандларидан бири бўлишимга ёрдамларини аяшмади. Дугоналарим билан жуда аҳилмиз. Синфдошлар орасида меҳр-оқибат бор.

Аммо ўқувчиларнинг билим олишига, келажакда мустақил юртнинг довруғини янада кўтаришга иштиёқ сезилмайди. Мактабда барча шароитлар муҳайё. Синфларнинг кўргазмали қуроллар билан жиҳозлангани, кутубхоналардаги илмий-бадиий китоблар, замонавий компьютерлар билан таъминлангани, қўйингки, илм олишга барча имкониятлар яратилган. Фақат шаҳарлик тенгдошларимнинг кайфиятлари бошқача. Барчанинг фикри-хаёли, менимча, фақат бир нарсада: мўмай пул топиш, яхши кийиниш.

Йигит-қизларнинг асосий суҳбат мавзуи ҳам тижорат ишларига оид. Ҳали биронтасидан «мен фалон ёзувчининг мана бу китобини ўқидим, келинглар, шуни муҳокама қилайлик» деган фикрни эшитганим йўқ. Гўёки ҳозирдан йигитларнинг бошига оила боқишу қизларнинг чекига рўзғор тебратиш тушгандек...

Қани, пойтахтдаги мактабларнинг шароитлари қишлоқларда бўлсайди!?

Бу муаммога бозор иқтисодиётига ўтилаётганини сабаб қилиб бўлмайди. Азизлар, келажак биз ёшларнинг қўлида эканлигини унутмайлик.

Дилдора АЛИҚУЛОВА.

ШОИРА БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Прокуратураси идорасида Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг бўлим мудири, шоира Турсуной Содиқова билан қонун посбонларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Маънавият ва маърифат соҳасида чуқур ўзгаришларни амалга оширмай туриб, мустақил давлатимиз ва халқимизнинг порлоқ келажагини таъминлаб бўлмайди. Президентимиз халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳам маънавият соҳасидаги ишларни жонлантириш муҳимлигини таъкидлар экан, маънан баркамол кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш ва шу йўл билан мустақиллик мафкурасини яратишда яхши самараларга эришиш мумкинлигига эътибор қаратган эди. Зеро маънавий баркамолликка интилиш қонун посбонларининг ҳам мустаҳкам эътиқодига айланмоғи керак.

Учрашувда таниқли шоира ана шулар хусусида гапириб ўтди. Шоиранинг иймон, эътиқод, орият ҳақидаги фикр-мулоҳазалари учрашув иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Мухбиримиз.

МАҚОЛЛАР

1. ТЎҒРИЛИК ВА ЭГРИЛИК

Ножуя уйин — синдирар бўйин.
* * *
Яхши кунларда уйна,
Ёмон кунларда уйла.
* * *
Отини билгунча зотини бил.
* * *
Ит югуриб този бўлмас,
Қул югуриб қози.
* * *
Қул билан қаймоқ есанг,
Қусдирмайин қўймас сени.
Чўри билан чўзма есанг,
Чарчатмайин қўймас сени.
* * *
Ит томга чиққани билан эгасидан юқори бўла олмайди.
* * *
Еган катта,
Емаган латта.
* * *
Миқдор-миқдордан ортиғи — мурдор.
* * *
Туймаган қоринда — ўлган яхши.
* * *
Қарздорлик — қаҳри худо
Қарздорликдан бўлдим ало.
* * *
Бит — ғамлан, бурга намдан.
* * *
Совуқдан қолар, товуқдан қолмас.
* * *
Йигитдан ё от қолсин, ё зот.
* * *
Ема, ичма бўл бахил,
Бой бўлмасанг мен кафил.
* * *
Бодом эксанг чўлга эк.
Олма эксанг кўлга эк.
* * *
Кал ҳаммом бормасин, кўр бозор.
* * *
Калнинг темир тароғи бор,
Кўрнинг чўян чироғи.
* * *
Темирчидан кумир сурама.
* * *
Ё сени маргингни берсин,
Ё менга сабру-қарор.
* * *
Инсофини бермаса маргини берсин.
* * *
Кичикни мақта каттани сақла.
* * *
Киришдан олдин чиқишни ўйла.
* * *
Қутандан чиқса ҳам
Қозондан чиқмасин.
* * *
Оққина товуқ гунг сочар
Ўз айбини ўзи очар.
* * *
Супанинг — тўри бўлмайди.
* * *
Тарози — худо рози.
* * *
Ҳушёрликнинг ўлимга фойдаси бор.
* * *
«Кел-кел»нинг «кет-кет»и бўлади.
* * *
Келар бўлса Шому-Ироқдан,
Кетар бўлса қошу-қовоқдан.
* * *
Қатиқ тўкилса ҳам юқи қолади.
* * *
Жисм ранги нурга боғлиқ,
Ҳосил ранги қорга.
* * *
Йўғон чўзилади, ингичка узилади.
* * *
Анжирнинг ости-кўл, усти-чўл бўлсин.

II. МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ИШЁҚМАСЛИК.

Тинмасанг — тинасан
* * *
Болангни севсанг — қўлингдек ишлат.
* * *
Бир ҳовуч танга йиққунча, бир ҳовуч дон йиг.

OLTIN MEROS
таҳлилга

* * *
Ётсанг ётиб қоласан,
Юрсанг юриб кетасан.
* * *
Оғзингни сўкишга ўргатма,
Қўлингни ёмон ишга.
* * *
Уйдаги аёлнинг сариштаси,
Ҳиндистоннинг фариштаси.
* * *
Ҳиндистонда фойда кўп,
Борса ботир келтирар.
* * *
Қоплаб олсанг — кўплаб берасан.
* * *
Юғурган — қуруқ қолмас.
* * *
Қўли текканнинг оғзи тегади.
* * *
Қийини бўлмаган ишда, лаззат бўлмайди.
* * *
Эга кўзи — эм, сийлагани — ем.
* * *
Калла пишириш — кал қизнинг тўйи,
Тандир қуриш — кал қизнинг уйи.
* * *
Тошга экиб, Тангридан сўра.
* * *
Авлиё ҳам бардошдан топган.
* * *
Деҳқон экканини ер, харидор хоҳлагани-ни.
* * *
Ўғлинг боқсин, келининг соғсин.

Ёзиб олувчи: Раҳматулла ҲАМИДОВ,
Касби туманидаги Усмон Юсупов номидаги мактаб.

ИЛМГА ЙЎЛДОШ УМР

Йўлдош аканинг хотирлашларича, у ёшликларида фанга, айниқса она тили ва адабиёт фанига иштиёқманд бола бўлган. Бу иштиёқмандлик Йўлдош акага катта акаси Аҳмад Абдуллаевдан юққан. Йўлдош аканинг катта акаси Аҳмаджон тил ва адабиёт фани ўқитувчиси, маорифчи бўлганлар. Оиладаги соғлом муҳит, маънавий барқарорлик Йўлдош ака қалбида ўчкунланган она тили ва адабиёти илмига бўлган муҳаббатнинг алангаланишида туртки бўлган десак янглишмаган бўламиз.

Йўлдош Абдуллаев ўқитувчилик фаолиятини қишлоқ мактабида бошлади. Содда ва самимиятли қишлоқ болаларига она тилидан дарс берар экан, амалдаги дастур ва дарсликларнинг мазмунига қизиқиш уйғониб, уни такомиллаштириш нияти туғилди. Бу бошланғич синф учун «Ўқиш китоби»нинг яратилишига асос бўлди. Мазкур «Ўқиш китоби» Йўлдош Абдуллаевнинг илмий фаолиятида янгича бир йўналиш пайдо қилиб, уни 1950 йилда Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига бошлаб келди.

Йўлдош Абдуллаев бу ерда педагогика илмининг салоҳиятли олимлари профессор А. К. Боровков, Аюб Ғуломов, фан номзодлари З. Маъруфов, Н. П. Архангельскийлар билан бирга ишлай бошлади. Ўз ихтисослиги бўйича билими ва илмий тадқиқот ишидаги педагогик қарашларини доимий равишда мактаб амалиётида синовдан ўтказиб борди. Йўлдош Абдуллаев узоқ изланишлар, архив ва кутубхоналардаги мавзуга доир материалларни ўрганиши, эски мактаб, хат саводига оид тарихий манбалар билан танишиши ва мактаб ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиши натижасида 1962 йилда «Эски ўзбек мактабларида хат-савод ўргатиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимнинг «Диктант турлари ва орфографик хатолар устида ишлаш, «Мактабда ягона орфография ва нутқ режими», «Синтаксис ва пунктуация машқлари тўплами», «Имло луғати», «Диктантлар тўплами» сингари китоблари унинг она тили ўқитиш методикаси билангина эмас, балки она тили илмининг назарий жиҳатлари билан шуғулланаётган истеъдодли педагог-олим эканлигидан далолат беради.

Йўлдош Абдуллаевнинг А. Ғуломов, М. Асқарова, З. Маъруфов, М. Олимжоновалар билан ҳам муаллифликда яратилган 5—9-синфлар учун мўлжалланган мустақиллик муносабати билан қайта ишланган дарсликлари бугунги кунда истиқлол даври фарзандларининг ҳам севимли дарслигига айланган. Йўлдош Абдуллаев умумтаълим мактаблари учун дарслик ва методик қўлланмалар яратиш билан бирга қўйи синфларнинг ҳам дарслигини яратиш ва бу дарслик материалларини, яъни унинг матнини ўрганишнинг методика ва усулларини ҳам белгилаб берган олим.

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингач (1993 й.), бу Қонунни ҳаётга тадбиқ қилишга биринчилар қаторидан бўлиб киришган Й. Абдуллаев лотин графикасидаги ўзбек алифбосининг дастур ва дарсликларини яратишда қатнашди. Чунончи, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш дастури, «Ҳамроҳим», умумтаълим мактабларининг 9—11-синфлари учун дарслик, «Совға», «Ҳуснихат машқлари» каби дастур, дарслик, қўлланмалар юзага келди.

Йўлдош Абдуллаев қуплаб шогирдлар етиштирган, аспирант ва илмий тадқиқотчиларнинг илмий ишларига бевосита ва билвосита раҳбарлик қилиб келаётган меҳрибон устоз, жонкуяр мураббий ва салоҳиятли олимдир.

Йўлдош Абдуллаев педагогика фанини равнақ топтириш ва халқ таълимини шакллантириш соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони ва Қори Ниёзий номидаги медаль ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Йўлдош Абдуллаев етук тилшунос олим, педагогика илмининг улкан тарғиботчиси, устоз ва олижаноб инсон бўлиши билан бирга 7 фарзандни тарбиялаб вояга етказган меҳрибон ота ҳамдир. Олимнинг 4 фарзанди ва 2 келини ўқитувчидир, қизи Шарофат Йўлдошева устоз издоши, унинг ғояларини давом эттирувчи тилшунос олима. Шу маънода Йўлдош Абдуллаевларнинг оиласини педагоглар сулоласи десак янглишмаймиз.

Барот ЯРАШЕВ,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий ходими.

Ҳуллас...

ТИЛЛО ТИШ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

Австралиялик Энн-Мэри Рокуэллни эри туғруқхонага олиб бориб, барча эркаклар каби у бурчакдан — бу бурчакка ўтиб янги меҳмонни сабрсизлик билан кута бошлади. Ва ниҳоят шифокор қўлида болани кўтарганича ҳайрат-ла чиқиб келади. Уни кўрган ота саросимаси фақатгина боланинг пастки жағидаги олтин тишни кўргач босилди. Айтишларича худди шундай кунда, шу соатда Энн-Мэрининг отаси Лондонда вафот этган экан. Қизиғи шундаки, унинг ҳам пастки жағи ўртасида тилло тиши бўлган экан. Бу ҳолни кекса чолнинг қалби янги туғилган чақалоққа ўтганлиги дея таърифлашмоқда.

МУШУКНИНГ САДОҚАТИ

Негадир сўнгги пайтларда мушуклар билан боғлиқ ажойиб-ғаройиб воқеалар ҳақида кўп гаплар айтилаяпти. Мана буниси галдагиси: Тюмень шаҳрининг хонадонларидан бирида яшаётган 1 ёшли мушукча соҳиблари билан дала ҳовлига бориб йўқолиб қолади. Қидирувлар натижасиз кетгач, эгалари ундан умид узишади. Орадан бир ой ўтгач эса мушуквой бунгача ҳеч қачон бормаган — соҳибанинг ишхонаси олдида пайдо бўлади. Олазарак бўлиб, кимнидир қидираётган бу жониворнинг кўзи Людмиланинг кўзига тушгач, бир ойлик ҳижрон ўз ниҳоясига етади.

АЖРАТАМАН ДЕБ...

Индонезия шаҳарларидан бирининг фуқароси агар шу ҳолга тушишини билганида, иккала қўшнисининг можаросига аралашмасди. Бечора ёқа-мушт бўлаётган иккала эркакни ажратаман деб ўз бурнидан ажралган. Жанжалкашлардан бири «учинчи одам ортиқча» дея уни шу қабилда жазолади. Безори-ку, беш ой давомида ўз гуноҳини ювади. Афсусланарли томони шундаки, беш ой тугул беш минг йилда ҳам қайта ўсиб чиқмайдиган бурун эгасига қийин.

ана шунақа гаплар.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза тумани ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бўлими ва туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси тумандаги 215-мактаб директори Шаҳзода Юсуповна Турсунова онаси

Озода ТУРСУНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Муаллифнинг китоби ширали тилда ёзилгани учун ўқувчиларнинг севимли китобига айланади-қолади.

(Адабиёт ўқитувчисининг гапи).

* * *

«Гап ташийди», деган гапда жон бор.

(Тилшунос тушунтиришидан).

* * *

Ўзларингдан катталарни ҳамиша ҳурмат қилинглар. Чунки уларнинг тажрибалари кўп — сизлардан битта кўйлакни ортиқ йиртган!

(Ўқитувчининг маслаҳати).

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ.

Обуна-97

«МУЛОҚОТ» — ИШОНЧЛИ ҲАМФИКР

Бугун амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар янги йилда ҳам «Мулоқот» журнали таҳририятининг эътиборида бўлади. Яратувчилик ишларининг журнал саҳифаларида меҳмон бўлишиб, журналхон билан чин дилдан суҳбат қурадилар. Журналда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий рукндаги публицистик чиқишлар уюштириш мўлжалланмоқда. Атоқли файласуф, тарихчи ва иқтисодчи олимлар бизнинг доимий муаллифларимиздир. Бир сўз билан айтганда, «Мулоқот» журнали ўз анъанасига содиқ қолиб, замондошлар билан мулоқотни кучайтиради.

Шундай бир китоб борки, уни ота-боболаримиз асрлар мобайнида мактабда мутолаа қилиб келишган. Бу «Чор китоб»дир. Иймон фалсафасини ўрганишда бу асарнинг аҳамияти ғоят каттадир. Янги йилдан таҳририят «Чор китоб»нинг ўзбек тилидаги таржимасини эълон қилишни режалаштирган. «Чор китоб» нафақат ёшлар, балки мураббийлар, булғуси ва айни пайтдаги раҳбарлар, умуман, маърифат муҳлислари учун ғоят қимматлидир.

1997 йилги сонларимизда тариқат ва маърифат бобидаги ишларимиз — асрлар қаъридан туриб ўз таълимотлари ва аъмоллари билан бизни тарбиялаб келаётган Шайх Исмоил Қаффоли Шоший, Шайх Зайниддин, Шайх Ховандй Таҳур, Жалолиддин Румий, Хожа Ҳофиз, Шамс Табризий ҳақида босиладиган мақолалар ҳам муштарийларда фикр уйғотади.

Инсоният тарихининг муҳим воқеалари қадимий шаҳарлар билан боғлиқдир. Журналнинг «Табаррук шаҳарлар» рукнида бериладиган илк мақолалар — Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Қуддуси шариф, Бухорои шариф ҳақидадир. Ҳар бир мусулмон, ҳар бир шарқлик билиши зарур бўлган маънавий ҳақиқатни ана шу мақолалардан топиб олишингиз мумкин. Саҳифаларимизда «Маънавият пирлари», «Тасаввуф тариқатлари», «Истиқлол фидойилари» каби рукнлар доимий бўлиб қолади.

Ажойиботлар билан қизиқувчилар ҳамда фойдали маслаҳат ишқибозлари учун «Мулоқот» дафинаси» янада кенг миқёсда хизмат кўрсата бошлайди. Зарварақларимизда янги йилда Абу Райҳон Беруний, «Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хўжа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод каби буюк алломаларимизнинг суратлари эълон қилинади.

Хуллас, маънавий оламингизни бойитишга, илм-маърифатга бўлган чанқоғингизни қондиришга, азалий қадриятларимизга ошно бўлишга, бугунги кунимизнинг муҳим ва долзарб муаммолари ҳақида мушоҳада қилишга қизиқсангиз, «Мулоқот» сизнинг энг яқин ҳамфикрингиз бўлиб қолади. Унга обуна бўлсангиз, дунёқарашингиз кенгаяди.

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ф. Умаров номидаги ўрта мактабда ўқувчиларнинг футболга бўлган иштиёқи жуда юқори. Дейлик, мактабдаги ҳар бир синфнинг ўз футбол командаси бор. Кўпинча ушбу командалар ўртасида мактаб биринчилиги ўтказиб турилади. Дарвоқе, яқинда туман биринчилиги учун ўтказилган футбол мусобақасида мазкур мактабнинг терма жамоаси туман биринчилигини қўлга киритишди.

Суратда: мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Камолиддин Бобохўжаев ёш футболчилар билан.

Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Олий тоғайқа

30-тур, яъни 5-миллий чемпионатнинг сўнгги ўйинлари (6 ноябрь)

МҲСК — «Динамо» (У) — 5:3 (Усмонхўжаев, Қурбонов-2, Насриддинов, Ивангородский — Кудряшов, Абдурахмонов, Кондратович), «Наврўз» — «Косонсой» — 3:2 (Бобоев, Абдувалиев, Қамчиев — Зах. Акбаров, Шабанов), «Динамо» (С) — «Пахтакор» — 0:3 (Ш. Мақсудов, Ходиев-2), «Машъал» — «Нурафшон» — 4:0 (Самигов, Бердиев-2, Омонов), «Янгиер» — «Дўстлик» — 0:1 (Хабибулин), «Сўғдиёна» — АСК — 3:3 (Алматов, Эсомбоев, Нарзиқулов — Андреев, Халиулин-2), «Нефтчи» — «Атласчи» — 3:0 (Лебедев, Радкевич, Атоян).

7 ноябрь

«Трактор»—«Навбаҳор»—1:1 (Мусабоев—Урмонов-п)

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

	У	Ю	Д	М	ТН	О
1. «Навбаҳор»	30	23	5	2	88-23	74
2. «Нефтчи»	30	23	3	4	72-30	72
3. МҲСК	30	18	8	4	80-41	62
4. «Дўстлик»	30	17	4	9	52-38	55
5. «Нурафшон»	30	15	5	10	52-39	50
6. «Пахтакор»	30	15	3	12	50-30	48
7. «Трактор»	30	12	7	11	46-43	43
8. «Наврўз»	30	11	8	11	44-51	41
9. «Атласчи»	30	11	3	16	48-62	36
10. «Динамо» (С)	30	11	1	18	36-46	34
11. «Янгиер»	30	10	3	17	43-55	33
12. «Сўғдиёна»	30	9	5	16	42-58	32
13. «Косонсой»	30	9	3	18	32-61	30
14. «Машъал»	30	8	4	18	28-64	28
15. «Динамо» (У)	30	8	3	19	36-67	27
16. АСК	30	4	7	19	29-70	19

In English

ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER OCTOBER 1996 ISSUE 22

Letter from the Editor

Our feature article this issue is about a district seminar held last May in Tashkent.

At this seminar they invited local Peace Corps Volunteers and discussed new methodology and exchanged classroom activities and ideas.

This month, Fergana Valley will host a one day English language conference. The Re-Training Institute and Fergana Valley Peace Corps Volunteers are putting it on together.

It will be held October 29th in the city of Kokand. If you are a teacher in the Fergana Valley we hope to see you there!

Sincerely,
Anne Hauk

Send your letters and articles to
In English
c/o SamSIFL
Akhunbabayev St. 93
Samarkand 703004

New Ideas for District Seminars

Dear Readers of *In English*!

I want to tell you about the first steps we made with the volunteers of Peace Corps working in Tashkent. At the beginning of May our school prepared a district seminar for teachers of foreign languages.

We thought a lot about how to make it more interesting and useful for everybody. Usually, as you know, we try to show what our pupils have learned and what they can do but this time we decided to show some interesting methods of teaching.

"It was so interesting that teachers asked them to help organize more such meetings..."

So, we approached the Peace Corps director of the Resource Library, Lora Yaivets, and she suggested we use the materials in *In English*. She also suggested that we invite some Peace Corps volunteers who were teaching English in Tashkent.

It was a fine idea! First, Volunteers Meagan Phillips and Ben Calvert told us about their main principles and aims in teaching foreign languages, Then they presented different activities which they use when teaching English.

It was so interesting that the teachers asked them to help organize more such meetings so that teachers and volunteers could continue to share their experiences.

I myself, as it was the end of the school semester, was interested in revision material on Grammar. Meagan and Ben showed us some useful grammar activities and everyone participated in the discussions. All of the teachers agreed that they didn't loose time at our district seminar and we all want to thank the representatives of the Peace Corps for their work in our country.

L. Tsoi is an English teacher at School 217 in Tashkent.

Idioms: Birds of a Feather Flock Together

Match each word or phrase in the first column with the word or phrase in the second column that produces a common saying or idiom.

1. a bird in the hand
2. birds of a feather
3. bird-
4. stool
5. bird's eye
6. to kill two birds
7. silly
8. which came first
9. he eats
10. what's sauce for the goose
11. wise old
12. bury one's head in the sand
13. crane
14. dove of
15. the early bird

a. goose
b. peace
c. the chicken or the egg
d. is worth two in the bush
e. owl
f. one's neck
g. catches the worm
h. pigeon
i. with one stone
j. brain
k. like an ostrich
l. like a bird
m. is sauce for the gander
n. view
o. flock together

Answers: 1. d; 2. o; 3. j; 4. h; 5. n; 6. i; 7. a; 8. c; 9. l; 10. m; 11. e; 12. k; 13. f; 14. d; 15. g.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0646.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.